



PhotoShop


Амалий машъулотлар тщплами

Кириш

PhotoShop дастури растр тасвирларни тахрирлаш дастури. Дастур ёрдамида фото расмларни тахрирлаш кулай. PhotoShop 5.5 дастурини урганиш учун 4-та амалий дарс хавола килинади

- 1 дарс - Белгилаш амаллари;
- 2 дарс – Каватлар билан ишлаш асослари;
- 3 дарс – Фото тасвирни тугрилаш
- 4 дарс – Illustrator графикасини PhotoShop расми билан бирлаштириш

PhotoShop дастурини умумий куриниши:




Photoshop № 1

Белгилаш билан ишлаш. Бошланиши.

1. “File > Open” менюсига чертиб **Photoshop 5.5\Training\Photoshop 5.0\Tutorial\Lesson01** папкага кириб **End01.psd** файлини очинг.
2. **End01.psd** бу қилинадиган ишни натижа куриниши. Куринг ва эслаб қилинг. **End01.psd** файлини беркитинг.
3. Шу папкада “File > Open” қилиб **Start01.psd** файлини очинг.
4. “File > Save As” қилиб **Start01.psd** файлини **Work01** номи билан қайта сакланг.

Туртбурчак белгилаш ускунаси билан ишлаш.

1. Ускуналар панелида туртбурчак () белгилаш ускунасига чертинг.
2. Расмдаги қовунни чап томонининг юқори қисмидан унғ томонга тортиб турги туртбурчак ҳосил қилинг.




Изоҳ: Белгиланган қисмдаги қайта жойлаштириш мумкин.

3. Курсатқични белгиланган қисмдан ташқарига олиб чиқиб 1 марта чертинг, белгилаш йуқолади.
4. Қовунни қайта белгиланг: Белгилашни учуриш учун “Select > Deselect” буйругини беринг ёки ихтиёрий қисмда чертиб белгилашни йуқотинг.

Эллипс белгилаш ускунаси билан ишлаш.

1. Масштаб () ускунасини танланг ва олича расмида чертинг токи масштаби 300% га катталашсин.
2. Ускуналар панелида туртбурчак () белгилаш ускунаси устида сичкончани босиб туриб куйиб юборинг. Туртбурчак () белгилаш ускунасини эллипс () белгилаш ускунасига алмаштиринг.
3. Сичконча ёрдамида оличани чап юкори кисмидан бошлаб унг пастги кисмигача белгиланг ва сичконча тугмасини куйиб юборманг.



Белгилаш жараёнида белгиланган кисмни кайта жойлаштириш.

1. Сичкончани куйиб юбормасдан туриб пробел тугмасини босиб, белгиланган кисмни кайта жойлаштиринг.
2. Бушлик тугмани куйиб юборинг ва сичконча ёрдамида белгилашни давом эттиринг. Белгилаб кайта жойлаштириб, оличани тулик белгилашга эришинг.
3. Олича тула белгилангандан сунг сичкончани куйиб юборинг.


Объектни уртасидан белгилаш

Изох: Баъзан белгилашни уртадан бошлаш маъкул.

1. Белгилашни бекор килинг “**Select > Deselect**”
2. Белгилаш курсаткичини тахминан оличанинг уртасига урнатинг.
3. **Alt** тугмасини босган холда оличани белгиланг.
4. Белгилаб булиб, биринчи сичкончани куйиб юборинг кейин **Alt** тугмасини куйиб юборинг.

Белгиланган кисмни жойлаштириш.


1. Оличани белгилаб булганингиздан кейин силжитиш () ускунасига чертинг ва белгиланган оличага курсаткични урнатынг.
2. Оличани сабзининг булагига жойлаштиринг.



3. Белгилашни бекор килинг: “**Select > Deselect**”.

Нусха олиш.


1. Хужжатни тулик очиш учун менюдан “**View > Fit on Screen**” танланг.
2. Элипс () ускунасини танланг.
3. Сабзи билан оличани белгиланг.



4. Силжитиш () ускунасини танлаб, ясалган кузни ковуннинг чап кисмига жойлаштиринг.


5. Иккинчи кузни яратиш учун **Alt** тугмасини босиб, силжитиш () курсаткичи ёрдамида унғ тарафга нусха олинг.

Изох: Текис нусха олиш учун **Alt** га кушимча **Shift**-ни босиш мумкин.



Ctrl тугмаси ёрдамида белгилашни кучириш.

1. Элипс () ускунасини танланг.
2. Киви мевасини белгиланг.
3. Белгилаш ускунаси ёрдамида кучириш учун **Ctrl** тугмасини босиб сичконча билан белгиланган киви мевасини ковун устига кучиринг.



Йуналиш тугмалари ёрдамида силжитиш.

1. Киви меваси белгиланган холда йуналиш тугмалари ёрдамида киви мевасини жилдиришга харакат килинг.

Изох: Йуналиш тугмалари ёрдамида экранда 1 пикселга жилдириш мумкин. Баъзан белгилаш чегараси ишга халакит килади. Шунинг учун белгилаш кисмини вақтинча учуриш мумкин.

2. Менюда “**View > Hide > Edges**” танлансин.

Изох: Белгилаш чегараси учади.


3. **Shift** тугмаси босилган холда йуналиш тугмаларда белгиланган кисмни хар тарафга силжитиб курунг.

Изох: **Shift** тугмаси босилганда, силжиш 10 пикселга булади.

4. Киви мевасини керакли жойга жойлаштиринг ва меню ёрдамида белгилаш чегараларини ёкиб куйиш учун: “**View > Show Edges**”.


Сехрли таёкча ёрдамида белгилаш.

1. Икки марта сехрли таёкча () ускунасига чертиб созлаш ойнасини очинг. Сизгирлик параметрини (**Tolerance**) 32 килинг ва сехрли таёкча курсаткичи билан нокни уртасига чертинг



2. Нокни белгиланмаган кисмларини белгилаш учун **Shift** тугмасини босиб


туриб, сеҳрли таёкча () билан кушилмаган кисмига чертинг.



Кушимча: Ортикча белгиланса **Alt** тугмасини босиб туриб белгилашни таёкча билан камайтириш мумкин.

Lasso ускунаси ёрдамида белгилаш.

1. Капалак расмига масштаб () ускунаси ёрдамида чертиб, куриш масштабини 300% га урнатиш.
2. **Lasso** () ускунасини танланг ва капалакни чап юкори бурчагидан бошлаб унг юкори бурчагигача белгилаб тортинг. Сичкончани куйиб юборманг.
3. **Alt** тугмасини босиб сичконча тугмасини куйиб юборинг. Капалакни унг кирраларини сичконча билан чертиб – чертиб белгиланг. (**Alt** тугмасини куйиб юбормаган холда)




4. Унг пастки бурчагига белгилаш етганда сичкончани босиб, **Alt** тугмасини куйиб юбориб капалакни пастки кисмларини белгилаб, чап пастки бурчагига курсаткични олиб боринг.
5. **Alt** тугмасини босиб, чап кирраларини чертиб – чертиб белгиланг.
6. Курсаткични чап юкори бурчагига олиб борганингизда сичкончани босиб туриб **Alt** тугмасини куйиб юборинг ва белгилашни тугатиш учун сичконча тугмасини куйиб юборинг.
7. Хужжатни тулик экранда куриш учун менюдан **“View > Fit on Screen”**.

Белгилашни қушиш ва айриш.

1. Кузикоринга масштаб () ускунасини чертиб 300% катталаштирамиз.
2. **Lasso** () ускунани танлаб, кузикорин атрофини белгиланг.
3. **Shift** тугмасини босган холда қушилмаган қисмларни **Lasso** () ускунаси ёрдамида чизиб белгилашга қушинг.




4. **Alt** тугмасини босган холда ортикча қисмларини кесиб ташлаш мумкин.



5. Хужжатни тулик экранга кайтаринг меню ёрдамида “**View > Fit on Screen**” танланг.
6. Кузикорин калпоқчасини қовун бошига урнатынг.

Магнит Lasso билан белгилаш.

1. **Grappfruit** меваси масштабини 200% килинг.
2. **Lasso** () ускунасини босиб турғиб **Magnetic Lasso** () ускунасига утиб олинг.
3. **Grappfruit** қизил қисмини пастки чап бурчагидан бошлаб, қизил қисмини атрофини белгиланг.




4. **Grappfruit** ни пастки унғ бурчагига етканингизда **Magnetic Lasso** курсаткичи билан 2 марта чертинг ва автоматик равишда белгилашни тугатынг.

- Икки марта кул () тугмасига чертиб, расмни тулик экранга очинг.
- Силжитиш () ускунасини танлаб **Grapfruit** ни ковуннинг чап кулоги урнига олиб боринг. Белгилашни учирманг.

Белгилашни трансформациялаш.

Кулогини ясаш учун **Grapfruit** ни айлантириш керак ва унг кулогини ясаш учун чапидан нусха олиб аксини топиш керак.


- Менюда “**Edit > Free Transform**” ни танланг.
- Чап кулогини керагича айлантиринг.
- Кулогини кичрайтириш учун **Shift** тугмасини босиб туриб объектни кичрайтиринг.
- Кулогини керагича кайта жойлаштириб урнатинг.



- Трансформацияни тугатиш учун **Enter** ни босинг.
- Чап кулогидан унг кулогига нусха олинг. **Shift, Alt** тугмаси ёрдамида.
- Унг кулогини аксини топиш учун менюда “**Edit > Transform > Fleep Horizontal**” ни танланг.
- Керагича унг кулогини силжитиб тугриланг.
- Белгилашни бекор килинг: “**Select > Deselect**”.

Белгилаш комбинациялари.

- Туртбурчак () белгилаш ускунасини танланг.
- Кукатни белгиланг.
- Сехрли таёкча () ускунасини танланг ва **Alt** тугмасини босинг.
- Белгиланган кисмни ок жойида чертинг.




5. Ковуннинг кошларини ясанг.



Расмни кесиш.

1. **Кесиш** ускунасини () танланг.
2. Ясалган одамчани белгиланг.
3. Керак булса белгилаш чегараларини узгартиринг.



4. Кесиш учун **Enter** тугмасини чертинг.
- Изох:** Мева ва сабзавотли одамча тайёр.

Photoshop № 2 Каватлар – Layers

Бошланиши

1. “**File > Open**” менюсига чертиб **Photoshop 5.5 \Training\Photoshop 5.0\Tutorial\Lesson02** папкага кириб **End02.psd** файлини очинг.
2. **End02.psd** бу килинадиган ишни натижа куруниши. Куринг ва эслаб колинг. **End02.psd** файлини беркитинг.
3. Шу папкада “**File > Open**” килиб **Start02.psd** файлини очинг.
4. “**File > Save As**” буйругини бериб **Start02.psd** файлини **Work02** номи билан қайта сакланг.

Кават ташкил этиш

1. “File > Open” буйругини бериб **Clock** файлини очинг.



2. Кучириш () ускунасини танлаб, **Shift** тугмасини босиб туриб , соат расмини клавиатура устига кучиринг.



3. **Clock** файлини беркитинг .
4. **Layers** ойнасида **Layer 1** булимида икки марта чертинг.



5. **Layers Options** мулокот ойнасида **Name** сатрида Soat номини териб **OK** тугмасига чертинг

Изох: Натижада **Layer 1** кават **Soat** номини олади. **Layers** ойнасида **Soat** каватидан ташкари яна учта кават мавжуд. Каватни куриш учун, кават номини

чап тарафидан куз () белгисини куйиш керак. Каватни куришмас холатга

утказиш учун куз () белгисини учуриш керак.

Белгилаб учиринг

1. **Soat** каватига утинг (сичконча билан **Soat** кават номига чертинг, ёнида чизиш ) белгиси пайдо булади)
2. Колган каватларни куринамас килинг (куз ) белгиларини учиринг)
3. «**Сехрли**» ) белгилаш ускунасини олиб соат расмини ок кисмига чертинг ва белгиланган ок кисмини [**Delete**] ёки [**Supr**] тугмаси билан учиринг.



4. Белгиланишни олиш учун “**Select > Deselect**” амалини бажаринг.
5. Энди клавиатура **Background** каватини ёкинг.

Каватлар тартибини узгартириш

1. **Gauge** ва **Bearing** каватларини ёкинг.



2. Соатни биринчи кават килиш учун **Layers** ойнасида **Soat** номли каватга чертиб, биринчи уринга тартиб жойлаштиринг.




Кават холатини узгартириш

1. **Soat** каватини фаол килинг (**Layers** ойнасида **Soat** – га чертинг!) **Opacity** созлаш ускунасини 50% килинг. Натижани куринг.



2. Энди **Mode** кисмида **Screen** булимини танланг ва **Opacity** – ни 90% килинг



3. “**File > Save**” саклаш амалини бажаринг.

Объектни айлантириш

1. **Soat** расмини клавиатурани пастки унг томонига кучиринг (кучириш



() ускунасини ишлатинг)



2. “**Edit > Free Transform**” килинг. Соат расмини озгина буринг.
3. **Shift** тугмаси босилган холда соат расмини кичрайтиринг.
4. Кераклича расм жойланишини тугриланг
5. **Enter** тугмасини босиб **Free Transform** амалини тугатинг.




Каватга градиентли ранг кушиш

1. **Background** каватини чертиб фаол килинг.
2. Меню “**Layers > New Layer**” буйругини танланг (янги кават кушиш)



3. Мулоқот ойнада **Gradient** номини теринг ва **OK** тугмасини чертинг.
4. Икки марта “**Gradient**” () ускунасида чертинг.
5. “**Options**” ойнасида градиент турини “**Gradient: Foreground to Transparent**” – ни танланг
6. Ранглар ойнасида **Swatches** варагида пушти рангни танланг.



7. **Gradient** каватини фаол килинг ва **Gradient** () ускунаси билан расмни унғ тарафдан чап тарафга тортинг.



Матн кушиш

1. **Layers** ойнасида **Soat** каватига чертинг
2. **Матн** ускунасини () танланг ва расмни тепа чап тарафига чертинг. Натижада матн ойнаси очилади.
3. Матн киритиш ойнасида **Color** туртбурчагига чертиб керакли рангни танланг.
4. **Font** менюсида керакли шрифтни танланг, **Size** =70 улчамини урнатинг.

5. Z2000 ёзувини теринг



6. Расм ойнасида янги ёзувни тортиш амали ёрдамида жойлаштиринг.
 7. Матн ойнасида **OK** тугмасига чертинг.
- Этибор берсангиз **Layers** ойнасида янги кават пайдо булган.

Матнга эффект кушиш.

1. Матн каватини фаол қилиб “**Layer > Effect > Bevel and Emboss**” қилинг
2. **Effects** мулоқот ойнасида **Opacity Highlight 20%** қилинг
3. **Shadow 40%**
4. **Style** менюсида **Emboss** ни танланг ва эффектларни урнатиш учун **OK** қилинг.



Photoshop № 3

Кесиш – Crop


Бошланиши.

1. “**File > Open**” менюсига чертиб **Photoshop 5.0\Training\Lesson03** папкага кириб **End03** файлини очинг.
2. **End03** бу қилинадиган ишни натижа қуриниши. Қуринг ва эслаб қолинг.


3. Шу папкада “**File > Open**” килиб **Start03** файлини очинг.
4. “**File > Save as**” килиб **Start03** файлини **Work03** номи билан кайта сакланг.

Расмни кесиш


1. Кесиш () ускунасини танлаб, расмни тахминан туртбурчакга олинг.



2. Белгиланган кисмини четидан айлантиринг ва керагича кичрайтинг.





3. Кесиш учун **Enter** – ни босинг.



Расмни равшанлантириш.

1. “**Image > Adjust > Levels**” меню булимларини танланг.


-
2. Чап ва унг учбурчак белгиларини графикни усиш жойига келтиринг ва **ОК** килинг.



3. **“File > Save”** килинг.

Расмни рангини созлаш.

1. Меню “**Layer > New > Adjustment Layer**” булимларини танланг пайдо булган ойнада **Type**-ни **Color Balance** холатига урнатиш ва **Name**-га **Rang Sozlash** номини териб **OK** тугмасини чертинг.
2. Кизил рангини камайтириш учун **Red** биринчи созловчи ускунани (-15) килинг.
3. **Green** Зангори рангини кушиш учун (+8) килинг ва **OK** тугмасини чертинг.



4. Натижани куриш учун **Layer** ойнасида **Rang Sozlash** каватини ёкинг, кейин учиринг.
5. **Rang Sozlash** каватини ёкиб “**File > Save**” килинг.

Кушимча:


Рангларни кайта созлаш учун **Rang Sozlash** каватига икки марта чертинг.

Расмда ранг узгартириш.


1. **Layer** ойнасида **Background** каватини танланг.
2. Масштаб () ускунаси ёрдамида керакли кисмга бир марта чертинг.
3. Туртбурчак () белгилаш ускунаси ёрдамида керакли кисмни белгиланг.



4. Ранг узгартириш учун “**Image > Adjust > Replace Color**” менюнинг булимларига кириш.



5. Биринчи ранг олувчи пипетка  ускунасига чертиб, асосий расмда керакли рангни курсатинг.
6. Иккинчи ранг олувчи плюс пипетка  ускунани олиб, керакли ранглари белгиланишга курсатинг.



7. Белгилаш сезгирлигини **Fuzziness** – ни 61 – га урнатинг.
8. Рангни узгартириш учун **Hue** – (149), **Saturation** – (-17), **Lightness** – (-33) га урнатинг ва **OK** тугмасини чертинг.
9. Расмни тулик ойнада куриш учун, икки марта кул () ускунасига чертинг.
10. “**Select > Deselect**” булимларини танланг.
11. “**File > Save**” буйругини беринг.

Рангни ловиллатиш.

1. Мочалка () ускунасини танланг.
2. **Sponge** мочалка () ускунасини **Options** ойнасида **Saturate** холатини урнатинг, кучини 90% килинг.

3. **Brushes** («Щёткалар») ойнасида иккинчи сатрда охиргисини танланг.



4. Расмни керакли кисмини **Sponge** () ускунаси билан ишканалг, токи ранглар ловиллаб ёнсин.



Рангни очиш.

1. **Dodge** () ускунасини танлаб **Options** ойнасида **Highlights** менюсини танлаб, кучини 50% килинг.
2. **Brushes** («Щёткалар») ойнасида иккинчи катордаги уртанчасини танланг.



3. **Dodge** ускунаси билан суртиб кайикни ён кисмини очинг.




Кераксивиз кисмларни учиршиш.

1. **Rubber Stamp** () ускунасини олинг.
2. **Rubber Stamp Options** ойнасида **Aligned** холатини учиринг.

-
3. Расмни сув кисмида **Rubber Stamp** () ускунаси урнатиб, **Alt** тугмасини босиб туриб, сичконча билан бир марта чертинг.

4. Кичкина кайикни **Rubber Stamp** () ускунаси билан учиринг.




5. **“File > Save”** буйругини беринг.

Расмга бошка расмни кушиш.

1. «**Сехрли**» таёкча () белгилаш ускунаси билан расм осмонини белгиланг, осмон кисмларини белгилашда **Shift** тугмасини босиб туриб белгиланг.
2. **Clouds** номли файлни очинг.
3. **“Select > All”** ёрдамида булутлар расмини тулик белгиланг ва **“Edit > Copy”** килинг.
4. Асосий расмга утиб **“Edit > Paste Into”** буйругини беринг.



5. Кучириш () ускунаси ёрдамида булутларни кераклича жойлаштириш мумкин.
6. Янги булутлар каватини куриниш холатини **Layers** ойнасида **Opacity** – ни 55% килинг.
7. **“File > Save”** буйругини беринг.



8. Каватларни бирлаштириш учун **“Layer > Flatten Image”** булимларини танланг.

-
9. “**File > Save As**” булимни танлаб пайдо булган ойнада **Сохранить** тугмасини чертинг.

Расмга фильтр урнатиш.

1. “**Filter > Sharpen > Unsharp Mask**” булимига киринг.



2. **Amount** созлагични 120% килинг.
3. **OK** тугмасини босинг.

Расмни саклаш.

1. “**Image > Mode > CMYK**” булимларини танланг.
Изох: (CMYK – ранг системаси, принтерга ранглар тури чикиши учун ишлатилади.)
2. **File > Save as** буйругини беринг.
3. **Format** менюсида **TIFF** холатини танланг.
4. **Сохранить** тугмасини чертинг.

Photoshop №4


Бошланиши

1. “**File > Open**” менюсига чертиб **Photoshop5.0\Training\Lesson04** папкасига кириб **End04** файлини очинг.
2. **End04** бу килинадиган ишни натижа куриниши. Куринг ва эслаб колинг. **End04** файлини беркитинг.
3. Шу папкада “**File > Open**” буйругини бериб, **Start04** файлини очинг.
4. “**File > Save as**” килиб **Start03** файлини **Work04** номи билан кайта сакланг.

Adobe Illustrator файлини кушиш.

1. Танланг “**File > Place**” ва **Logo.ai** файлини очинг.
2. **Shift** тугмасини босиб, фирма белгисини кераклича катта кичиклигини узгартиринг.


3. Кераклича белгини буринг.




4. Кучириш () ускунаси билан яхшилаб жойлаштириб, **Enter** тугмасини чертинг.

Белгини булиш.

1. **Polygon Lasso** () ускунаси ёрдамида гугурт кутини тепа туртбурчак кисмини белгиланг.



2. “**Layer > New > Layer Via Cut**” булимлари ёрдамида **Logo** каватни иккига булинг натижада янги кават пайдо булади. Каватларни учириб () , ёкиб натижани куринг.
3. **Layer1** каватни фаол килиб. “**Edit > Transform > Skew**” булимларини танланг.
4. Белгиланган каватни бурчакларидан тортиб кераклича курунишни узгартиринг.



5. Узгаришлар тугагач **Enter** тугмасини чертинг.

Расмни созлаш.

1. **Layer1** кават фаол булиб уни куруниши холатини **Layers** ойнасида **Opacity** – сини 60% килинг.

2. Менюсида **Multiply** режимини урнатиб **Logo.ai** каватини фаол килинг ва куриниш ҳолатини **Opacity 70%** килинг.



3. **“File > Save”**

Тасвирни экспорт килиш

Кушимча: Photoshop -да расмни экспорт килиш мумкин. Бунда тасвирни тиник жойлари белгиланади.

1. **Background** кавати фаоллаштиринг.
2. **Polygon Lasso** () ускунаси ёрдамида кутини чегараларини белгиланг. Шу кадамда **“Select > Inverse”** ёрдамида тасвирнинг фонини белгиланг.



Изох: Энди биз экспорт устаси билан ишлашга тайёрмиз.

3. Куйидаги булимларни танланг **“Help > Export Transparent Image”**
4. Биринчи-мулоқот дарчасида 2чи-хोलатни танланг. (2-чи холат бу **I have selected the area to be made transparent – таржимаси: “Мен шаффоф тасвирни ҳосил килиш учун керакли майдони белгиладим”**).
5. Кейинги мулоқот дарчасида: Print - режимини танлаймиз. Сунгра Next чертилади.
6. Кейинги саклаш мулоқот дарчада: узингизни папкангизга **“ESPWork01”** номи билан сакланг.
7. **ESP Options** мулоқот дарчасида: **Preview** майдонига **TIFF 8 bits/pixel** холатини танлаб – **ОК** тугмаси чертилади.
8. Охириги мулоқот дарчасида **«Finish»** чертилади. Шаффоф тасвир дарчаларини беркитамиз.
9. **Mailer.ai** файлни очиб, яратилган шаффоф расмни **“File > Place”** буйруги ёрдамида урнитиб, керакли жойга жойлаштиринг.

1.Мустақил иш.

1. **Lesson04** папкадаги **“Cap”** номли файлни очинг.

-
2. **“File > Place”** амали ёрдамида **Logo** файлини **Cap** ойнасига туширинг.
 3. Керакли узгаришлар киритинг.



4. **“File > Save as”** килиб **Work41** деб сакланг.

2.Мустақил иш.

1. **Lesson04** папкасида **Cup** файлини очиб **Logo** расмини туширинг



2. Керакли узгаришлар киритиб **“File > Save as”** буйругини беринг ва **Work42** деб сакланг.

Тамом

Farg'ona
UKM “UzSoft”
2004